

Нажот-таълимда, нажот-тарбияда, нажот-билимда



Бугун Қумқўрғон тумани ҳокими Анвар Нормаматов, сектор раҳбарлари ва умумий ўрта таълим мактаблари директорлари иштирокида учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда умумтаълим мактабларида таълим-тарбия тизимини янада ривожлантириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида суҳбат олиб борилди.

Хусусан, мактабларда ўқувчиларнинг дарсга қатнашиш ҳолати, маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги, ўқувчилар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш ҳамда о'қувчиларнинг билим даражаларини ошириш масалалари муҳокама қилинди.